

ИННОВАЦИОН ИҚТСОДИЁТ ШАРОИТИДА СУФУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

PhD Имомов Умид Гайратжонович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0009-8427-3367
mr.imomov@gmail.com

Аннотация. Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида суфурта соҳасини ривожлантиришинг иқтисодий ва назарий асослари тадқиқ этилган. Унда суфурта соҳасида инновацияларни қўллаш йўналишлари, суфурта компанияларининг бу борадаги фаолиятларига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва бу борада яқин истиқболда қилиниши керак бўлган чора-тадбирлар йўналишлари келтириб ўтилган.

Ключевые слова: инновацион иқтисодиёт, инновация, суфурта, суфурта маҳсулоти, суфурта компанияси, суфурта хизмати.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО СЕКТОРА В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

PhD Имомов Умид Гайратжонович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются экономико-теоретические основы развития страховой отрасли в условиях инновационной экономики. В нем обозначены направления применения инноваций в страховой сфере, проблемы, которые тормозят деятельность страховых компаний в этом направлении, а также направления мер, которые необходимо принять в ближайшем будущем.

Ключевые слова: инновационная экономика, инновации, страхование, страховой продукт, страховая компания, страховая услуга.

DIRECTIONS FOR DEVELOPMENT OF THE INSURANCE SECTOR IN AN INNOVATIVE ECONOMY

PhD Imomov Umid Gairatzhonovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. The article discusses the economic and theoretical foundations for the development of the insurance industry in an innovative economy. It outlines the areas of application of innovations in the insurance sector, the problems that hinder the activities of insurance companies in this direction, as well as areas of measures that need to be taken in the near future.

Key words: innovative economy, innovation, insurance, insurance product, insurance company, insurance service.

Кириш.

Миллий инновацион иқтисодиётни ривожлантириш суғурта ҳимоясининг самарали тизимини яратиш, суғуртанинг янги турларини, суғурта технологияларини жорий этиш, суғурта хизматлари сифатини ошириш, суғурта самарали назоратининг шакл ва усулларини такомиллаштиришни тақозо этади. Суғурта соҳаси бутун молия тизимини, жумладан, инвестисия соҳасини ривожлантириш учун суғурта компаниялари ресурсларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади. Иқтисодиётда суғурта бозори давлат, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкий манфаатларини табиий, техноген, молиявий-иктисодий рисклардан ва бошқалардан самарали ҳимоя қилишни таъминлайдиган молиявий воситалардан бири сифатида мустаҳкам ўрин тутиб келмоқда.

Суғурта соҳасининг миллий иқтисодиёт учун аҳамияти бюджет маблағларини тежаш ва давлат молия ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконияти билан тавсифланади. Шу билан бирга, самарали инновацион иқтисодиёт учун суғурта соҳасидан халқаро миқёсда рақобатбардошликини ошириш имконини берувчи муҳим молиявий восита сифатида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий суғурта бозорини инновацион иқтисодиётда самарали ривожлантириш истиқболлари суғурта компаниялари фаолиятига, капиталлашувнинг ўсишига ва суғурта бизнесининг самарадорлигига боғлиқдир.

Адабиётлар шарҳи.

Гишкаева ва Черхиговаларнинг (2020) фикрича инновацион иқтисодиёт ёки билимли иқтисодиёт, кўпинча саноат иқтисодиётига қарама-қарши яъни технологиянинг юқори қўшилган қиймати ва жараённи технологик такомиллаштириш асосида ялпи маҳсулот шаклланиши содир бўладиган фаолият тури, юқори технологияли ва билим талаб қиласидаган маҳсулотларни яратишдир.

Пилова (2018) фикрига кўра инновацион иқтисодиёт – бу янги билимлардан – инновациялардан (янги ғоялар) фойдаланиш асосида шаклланадиган иқтисодиётдир. Инновацион иқтисодиётни «тезкор иқтисодиёт» деб ҳам таснифланади. Иқтисодий ривожланишнинг бу турининг энг муҳим хусусияти ишлаб чиқариш ва кўплаб ижтимоий институтларнинг ўзига хослиги, тақрорланмаслиги, доимий янгиланишидир.

Молчанов (2016) ўз тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайди, яъни суғурта компаниялари ва уларнинг умумий суғурта фаолияти ҳар қандай иқтисодий тизимнинг зарурий қисмидир. Унинг аҳамияти хавф-хатарли вазият юзага келган тақдирда молиявий ва бошқа рискларни камайтириш имкониятларини тақдим этишдан иборат. Суғурта хизматлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга туртки, суғурта хавфини суғурталайди, бундай шароити улар инновацияларни тез қўллайдилар ва бу фаолият натижасида улар банкрот бўлиб қолмайди, балки инновацион фаолиятини давом эттиради. Буларнинг барчаси мамлакат иқтисодий салоҳиятини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ступичеванинг (2013) фикрига кўра, суғурта фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ялпи ички маҳсулот яратиш ва тадбиркорликнинг барқарорлигини таъминлашга қўшилаётган ҳиссани ошириш суғурта соҳасида турли инновациялардан фойдаланишга асосланиши керакдир.

Мельник (2019) ўз тадқиқотларида қўйидагиларни илгари суради, яъни маҳаллий суғурта компаниялари учун инновация нафақат рақобатбардошликини баҳолаш мезони, балки бозорда омон қолиш шартидир. Шу билан бирга, инновацияларнинг асосий вазифаси суғурта маҳсулотларининг мослашувчанлигини ошириш, замонавий бозорга мослашиш ва суғурталовчининг рентабеллигини оширишдан иборатdir.

Ахвледиани (2012) инновацион иқтисодиёт шароитида суғуртанинг ривожланиши унинг мажбурий ва ихтиёрий шаклларини самарали ривожлантириш билан боғлиқдир деб таъкидлайди.

Бризглов ва бошқалар (2020) қуидагиларни таъкидлайди, яъни замонавий шароитда суғурта бизнеси замонавий рақамли суғурта технологияларидан фойдаланган ҳолда ривожланмоқда, бу суғурталовчиларга жаҳон маконида ахборот хавфизлигини таъминловчи глобал инновацион технологиялар билан рақобатлашиш имконини беради. Рақамли иқтисодиётда суғуртанинг ўзига хос хусусияти қуидагилар билан белгиланади: «рақамли иқтисодиётга хос бўлган ва суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжни шакллантирувчи ўзига хос рисклар; рақамли иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи аниқ рақамли технологиялар ва уларнинг суғурта бозорида қўлланилиши».

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2022) ҳозирги иқтисодий шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта бозорини тартибга солиш усуллари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб берган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида суғурта соҳасини ривожлантиришнинг назарий асослари, суғурта компанияларининг инновацион фаолиятлари ўрганилган, уларни таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Миллий суғурта соҳаси ҳозирги кундаги иқтисодиёт эҳтиёжларини қисман қондириб ўзининг асосий ижтимоий-иктисодий функцияларини тўла қонли бажармаяпти. Тизимнинг энг муҳим муаммоларидан бири бу миллий суғурта бозорининг кичиклиги (қамровлиги) ва таркибий номутаносиблиқдир.

Ривожланган мамлакатларда анъанавий равишда суғурта қилинадиган рисклар миллий суғурта бозоримизда сезиларли паст даражаларда намоён бўлиши, яъни корхоналари ва фуқароларнинг мулкий манфаатларини суғурталашнинг сезиларли даражада пастлиги. Суғурта соҳасининг номутаносиблиги бу миллий суғурта бозорининг ўсиши, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий технологияларни қўллаш ва малакали ходимларнинг қўпайиши билан ҳамкорликда кечмайди.

Инновацион фаолиятнинг асоси фан-техника ютуқлари ва ишлаб чиқариш-техника ютуқларини ўз ичига олган илмий-техникавий тараққиётни акс эттиради.

Биринчи ҳолда, фан-техника тараққиётининг натижалари илмий ютуқлар – янги билимлар ва янги илмий-техник ғояларни акс эттиради. Суғурталанувчилар учун муайян инновация учун мос суғурта шартларини танлаш учун суғурта компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун тактик ва стратегик муносабатларни ойдинлаштириш керак бўлади. Суғурта компаниялари учун инновацион рискларни суғурталашнинг тижорат жозибадорлигининг пастлиги уларни бундай суғурта шартномаларини тузишга рағбатлантириш учун бир қатор самарали чора-тадбирларни қўллашни талаб қилиб қўяди.

Келажакда суғурта соҳасининг самарали ишлаши учун тизимда профессионал кадрлар масаласини ҳал этиш зарур. Суғурта маданиятини ошириш нафақат салоҳиятли мижозларда, балки суғурта компанияларида ҳам содир бўлиши керак. Шу муносабат билан суғурта компанияси мижозга ҳамкорликнинг барча (суғурта шартномасининг

ижро) босқичларида: суғурта шартномасини тузишдан, оптимал суғурта тарифларини ҳисоблашдан тортиб, содир бўлган ҳодисалар учун ўз вақтида суғурта қоаламаларини амалга оширишгача бўлган юқори сифатли хизматни тақдим этиши керак бўлади. Суғурта воситачилари суғурта компаниялари ва суғурталанувчилар ўртасидаги бўғин бўлиб, улар салоҳиятли суғурталанувчиларга суғуртанинг туб иқтисодий-ижтимой моҳияти, афзалликларини қанчалик малакали ва аниқ этказишлирага боғлиқ. Шунингдек, барча суғурта компаниялари суғурта воситачиларига тегишли маълумотга эга бўлишлари учун лозим талаблар белгиламайдилар. Бу муаммонинг ечими ҳам суғурта қонунчилигига ўз аксини топиши керак деб ўйламиз.

Иккинчи ҳолда, илмий-техникавий тараққиёт натижалари ишлаб чиқариш ва техник ютуқлар инновацияларни акс эттиради, уларни яратиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадли ривожлантириш, фан-техника ютуқлари натижаларини суғурта компанияси даражасида ҳамда давлат даражасида янги технологияларни яратиш. Суғурта тизими давлатнинг саноат ва савдо соҳасининг муҳим элементларидан бирига айланиши керак, жумладан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг айrim тармоқларини субсидиялаш, давлатнинг ўз молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек самарали ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш;

- ишлаб чиқариш ва техника ютуқлари натижаларини янги, арzon ва талабга эга бўлган суғурта маҳсулотлари қўринишида амалда татбиқ этиш. Яқин истиқболда суғурта соҳасини ривожлантиришнинг асосий омиллари ролини суғуртанинг мажбурий турларига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Узоқ муддатли истиқболда эса суғурта соҳасининг асосини ихтиёрий суғурта ташкил этиши керак бунда суғуртанинг мажбурий турларини бозор тамойиллари асосида босқичма-босқич ихтиёрий суғурта турларига ўтказиш керак;

- зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини (суғурталаш қоидалари) такомиллаштириш, турмушнинг иқтисодий қийматини аниқлашга ягона ёндашув асосида жавобгарлик суғуртасини ривожлантириш, бир қатор фаолият турларини лицензиялашни жавобгарликни ҳисобланган суғурта полисларини жорий этиш, ҳамда яратилган суғурта маҳсулотидан самарали фойдаланиш ва унинг ишлашини таъминлаш;

- суғурта бозорида талаб юқори бўлган суғурта хизматларини яратиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган янги илмий-техника ютуқларини тадқиқ қилиш орқали жорий этишни раҳбатлантириш, инновацион рискларни давлат иштирокида суғурта қилиш тизимини ривожлантириш.

Юқоридагиларга сосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, самарали инновацион иқтисодиётни шакллантириш суғурта соҳасидаги фан, ишлаб чиқариш ва техника ютуқларининг тизимли ўзаро таъсири орқали унинг соҳалари, жумладан суғуртанинг инновацион фаоллигига боғлиқдир.

Айнан иқтисодиётдаги инновациялар суғурта фаолияти кўламини кенгайтиришга ёрдам беради, бунинг натижасида инновацион ёндашувларни жорий этиш тенденцияси юзага келади, бу эса суғурта маҳсулотларига талаб ва унинг жозибадорлиги учун шароит яратади. Натижада суғурта компаниялари ва умуман суғурта бозорининг иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланади.

Суғурта соҳасидаги инновациялар суғурта компаниялари амал қиладиган фаолият соҳаларини ва умуман бундай хизматлар бозорини ҳисобга олган ҳолда турли мезонлар бўйича таснифланади. Булар суғурта маҳсулотини яратиш, суғурта шартномаси муддати давомида мижозларни қўллаб-қувватлаш, суғурта хизматларини сотиш каналларини ривожлантириш, суғурта ташкилотининг ташкилий ва бошқарув фаолияти, суғурта компаниясининг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси ва бошқаларни

қамраб олади. Суғурта соҳасидаги инновацияларнинг таснифи 1-жадвалда келтирилган.

Янги суғурта маҳсулотларини яратиш ва сотишга йўналтириладиган суғурта бизнесининг инновацион ривожланишига турли томонлардан қараш мумкин. Биринчидан, суғурта компаниялари маҳаллий ва хорижий амалиёт учун янги суғурта маҳсулотини яратиш фаол изланишлар олиб бормоқда. Иккинчидан, суғурта компанияси бозорда мавжуд суғурта маҳсулотини унга янги сифатлар бериш орқали яхшилаб боради. Учинчидан, суғурта компанияси кўриб чиқилаётган суғурта бозорида оммабоп бўлмаган суғурта маҳсулотини олади ва уни ушбу бозорда инновация сифатида илгари суро бошлайди. Ички бозорда шундай тенденция мавжудки, аксарият ҳолларда янги суғурта маҳсулоти бу ўзгартирилган эски маҳсулотдир, лекин унга жамиятнинг янги эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган янги сифатлар сингдирилган ёки қўшилган бўлади.

1-жадвал

Суғуртада инновацияларнинг таснифланиши¹¹⁹

Компания фаолиятининг йўналишлари	Инновация обьекти	Инновация тури	Инновация тавсифи
Суғурта маҳсулотини яратиш	Суғурта маҳсулоти	Маҳсулот ва ишлаб чиқариш	Янги суғурта маҳсулотлари ва хизматларни ишлаб чиқариш
Суғурта хизматларини қўллаб-қувватлаш	Суғурта маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш жараёнлари	Маҳсулот, технологик	Қўллаб-қувватлаш жараёнлари такомиллаштириш мақсадида улар технологиясини ўзгартириш, янги ахборот технологияларини жорий этиш орқали жараёнларни автоматлаштириш
Суғурта хизматларини сотиш каналларини ривожлантириш	Суғурта хизматларини сотиш тизими	Маҳсулот, сотиш	Суғурта бозорини тадқиқ қилишнинг энг янги таҳлилий ва маркетинг усулларидан фойдаланган ҳолда суғурта хизматларини сотишнинг янги каналларини яратиш
Ташкилий ва бошқарув фаолияти	Ташкилий ва бошқарув жараёнлари	Жараён, ташкилий	Суғурта компаниясини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланиш, компаниянинг бизнес жараёнларини бошқариши оптималлаштириш учун илғор ахборот технологияларини жорий этиш
Ташқи муҳит элементлари билан ўзаро таъсир	Таъсир жараёнлари	Жараён, ташкилий, технологик	Ташқи муҳит элементлари билан ўзаро таъсир қилиш самарадорлигини ошириш учун янги усул ва технологиялардан фойдаланиш

Суғурта маҳсулотини қўллаб-қувватлаш йўналишида инновацияларни жорий этиш суғурта ҳодисаси юз берганда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни назарда тутади, бунинг учун эса янги илғор технологияларни жорий этиш зарурдир. Суғурта хизматларини кўрсатиш суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасида ўзаро барқарор ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни назарда тутади, бу суғурта маҳсулотининг бутун ҳаётий даврида сифатли қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлади. Суғурталанувчи билан ҳамкорликни давом эттириш учун зарур бўлган сифатга эришиш, унинг суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида истеъмолчини “инновацион” қўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкин бўлади. Юқори сифатли хизмат кўрсатмоқчи бўлган ҳамда йирик мижозлар базасига эга бўлган суғурта

¹¹⁹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

компаниялари фаолиятларига янги молиявий технологияларни жорий этишлари самарали фаолиятни ташкил этади.

Суғурта соҳасини яқин истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши керак, жумладан:

- суғурта субъектлари фаолиятининг барқарорлиги, ишончлилиги ва шаффоғлигини мустаҳкамлаш;
- суғурталанувчилар ва суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- суғурта бозори иштирокчилари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;
- рақобат муҳитини ривожлантириш;
- мажбурий ва ихтиёрий суғурта шаклларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш.

Миллий иқтисодиётда суғурта муносабатларининг жадал ривожланиши молия бозорини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Суғурта қўламишининг кенгайиши ва суғурта фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш суғурта фаолиятини ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик муносабатларининг умумий тизимиға интеграциялашувига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Инновацион иқтисодиётда суғуртанинг ролини оширишга қаратилган чоратадбириларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Миллий суғурта қонунчилигини такомиллаштириш;
- мажбурий ва ихтиёрий суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга ёндашувларни такомиллаштириш;
- суғуртачилар томонидан суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш механизмларини шакллантириш;
- низоларни ҳал этиш тизимини такомиллаштириш;
- халқаро амалиёт асосида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш;
- суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва молиявий ҳисботларини тузишга қўйиладиган талабларни жоириш этиш;
- халқаро миқёсда рақобатбардошликни ошириш имконини берувчи молиявий восита сифатида суғурта бозорини ривожлантириш самарадорлигини ошириш;
- халқаро бозорда рақобатбардош бўладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- профессионал кадрлар тайёрлашда таълим ва илмий салоҳиятни ошириш.

Умуман олганда, миллий суғурта тизимини ривожлантириш инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиласи, биринчидан, замонавий интеграция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда давлат ролини кучайтиришни назарда тутади; иккинчидан, замонавий инновацион суғурта технологияларини жорий этиш; учинчидан, суғурталанувчилар ва давлат манбаатларини суғурта ҳимоясини ошириш мақсадида суғурта қонунчилигини такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Инновацион иқтисодиёт шароитида суғурта тизимининг мос равища фаолият юритиши қўплаб омилларга боғлиқ ҳолда кечади. Иқтисодиёт соҳаларини лозим даражада қўллаб-қувватлашда суғурта компанияларининг роли беқиёсdir. Жамият ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши суғурта компанияларининг ҳам инновацион ривожланишини талаб қилиб қўяди. Суғурта компаниясининг инновацион ривожланишининг моҳияти янги (самаралироқ) суғурта хизматларини кўрсатишни таъминлаш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва суғурта компанияснинг

ташкилий тузилмасини такомиллаштиришни таъминлайдиган янги ва янада илфор инновацион технологияларини жорий этишдан иборатдир.

Суғурта соҳасида инновацион ривожланиш муаммоларига қўйидагилар киритишимиз мумкин:

- Илфор хорижий тажрибаларни маҳаллий амалиётга ўтказиш орқали суғурта компанияларини ташкилий ва технологик инновацияларга йўналтириш (бу ёндашув суғурта компанияларнинг инновацион ривожланиш даражасининг жаҳон даражасидан орқада қолишини камайтиради);
- суғурта компанияси ходимларининг инновацион салоҳиятининг паст даражаси кўпинча компаниянинг инновацион ривожланишига тўсқинлик қиласди;
- инновацион хизматлар ва маҳсулотларга паст ёки ноаниқ талабнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган суғурта соҳасидаги инновацион лойиҳаларнинг узоқ ўзини оқлаш муддати;
- суғурта компаниясининг паст технологик имкониятлари ва инновацион суғурта маҳсулотини тарқатиш режалаштирилган тегишли мухитнинг ривожланмаганлиги;
- маҳаллий суғурта компаниялари томонидан суғурта инновацияларини секин жорий этиш, ҳамда хорижий компаниялар билан рақобатлаша олмаслик.

Суғурта соҳасидаги инновациялар таҳлили шуни кўрсатадики, илгари суғурта компаниялари асосан вақтингчалик рақобатбардош устунликни таъминловчи маҳсулот инновацияларига эътибор қаратган бўлса, ҳозирги вақтда инновациялар суғурталанувчилар учун масофавий хизматларни ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва янги маълумотлардан комплекс фойдаланишга қаратилган молиявий технологияларни назарда тутади. Шу билан бирга, инновацион ривожланишнинг асосий йўналиши суғурта компанияларининг молиявий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаши мумкин бўлган бизнес моделларининг инновацияси ҳисобланади. Замонавий иқтисодиётда инновацион фаолиятда муваффақиятга эришиш учун бир вақтнинг ўзида маҳсулот инновациялари, маркетинг инновациялари, бизнес жараёнлари ва операцион моделларнинг инновацияларига инвестиция қиладиган ҳамда уларни самарали жорий этадиган суғурта компаниялари эришишади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.

Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.

Abduraxmonov, I., Abduraimova, M., & Abdullayeva, N. (2018). Sug 'urta nazariyasi va amaliyoti. O'quv qo'llanma. Toshkent."IQTDISOD-MOLIYA.

Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.

- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
- Абдурахмонов , И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
- Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №4, 1-10 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №1, 95-99 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №2, 145-150 б.
- Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизmlарини жорий этиш“. Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2.
- Абдурахмонов, И. Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.:“Иқтисод-Молия” нашриёти, 23-24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/-Т.:«Иқтисод молия, 353-354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.
- Ахвledиани Ю.Т. (2012) Развитие страхового рынка в условиях инновационной экономики. Вестник РЭУ. № 4, 63-68 стр.
- Брызгалов Д.В., Грызенкова Ю.В., Цыганов А.А. (2020) Перспективы цифровизации страхового дела в России // Финансовый журнал. Т. 12, № 3. С. 76-90. DOI: 10.31107/2075-1990-2020-3-76-90.
- Гишкаева Л.Л., Черхигов И.Р. (2020) Инновационная экономика: значение и роль в современном мире. *Journal of Economy and Business*, vol. 12-1 (70), 186-189 стр.
- Мельник Н.А. (2019) особенности инновационного развития в страховой сфере Российской Федерации. Научный вестник: Финансы, банки, инвестиции № 2. 75-85 стр.
- Молчанов В.С. (2016) Роль страхования в экономике и финансовой системе страны. *ECONOMICS AND MANAGEMENT*, Juvenis scientia № 4, 23-24 стр.
- Пилова Ф. И. (2018) Содержание и основные понятия инновационной экономики. Научно-практический журнал, Известия КБГАУ – № 1(19), 98-102 стр.
- Ступичева Я.Г. (2013) Пути совершенствования управления инновационными процессами в страховании. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» №2. 1-8 стр.